

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ Кундалик газетаси

№ 38 (11.099)

Баҳоси эркин нарҳда

МАМЛАКАТИМИЗДА

Хоразм вилоятида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказиб келинаётган «Ташаббус — 2008» анъанавий кўрик-танловнинг шахар ва туманлар босқичи якунланди. Кўрик-танлов голиблари диплом ва кимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар ва вилоят босқичига йўллани кирилди.

САМИМИЙ МУЛОҚОТЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 24-26 ФЕВРАЛЬ КУНЛАРИ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИГА ТАШРИФ БУЮРДИ.

Сеулдаги «Чонг Ва Дэ» қароргоҳида 26 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Корей Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг учрашуви бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил март ойидаги Корей Республикасига давлат ташрифи асносида ўша кезлари Сеул мэри лавозимда ишлаган Ли Мён Бак Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга икки мамлакат халқларининг дўстлигини мустаҳкамлашга қўшган улкан ҳиссаси учун «Сеулнинг фахрий фуқароси» унвонини берган эди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ Янгиликлар, воқеалар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 2007 ЙИЛДА МАМЛАКАТНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА 2008 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАРНИ ЧЎҚУРЛАШТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИДАГИ «ИНСОН МАНАФААТЛАРИ УСТУВОРЛИгини ТАЪМИНЛАШ — БАРЧА ИСЛОҲОТ ВА ЎЗГАРИШЛАРИМИЗНИНГ БОШ МАҚСАДИДИР» МАЪРУЗАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИДА ХОРИЖИЙ САРМОЯДОРЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШ ЗАРУРЛИгини ТАЪКИДЛАДИ.



МАҲСУЛОТИ ХАРИДОРГИР КОРХОНА

қариш ҳажми қарийб 80 миллион АҚШ доллари ни таққил этди. Бу йилги кўрсаткичи юз миллион долларга етказиш режалаштирилмоқда. «Spentex Tashkent Toytera» бош директори Сантош Кумар Жейнинг айтишича, корхонада ишлаб чиқариш ҳажмининг ошириб, экспортнинг кенгайишида давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда хориж сармоядорлари учун яратилган қўлай шароит, қатор имтиёзлар муҳим омил бўлмоқда.

Ўртимизда чет эллик шериклар билан ҳамкорликда бизнес юритиш учун яратилган қўлай сармоявий муҳит, зарур шароит ва имтиёзлар хорижий фирма ва компанияларнинг Ўзбекистон бозорига ўз ўрнини кенгайтиришга қизиқишини тобора оширмоқда. Бунинг хорижлик сармоядорлар билан ҳамкорликда ташқил этилган кўпбанд корхоналар мисолида ҳам кўриш мумкин. «Spentex Tashkent Toytera» масъулияти чекланган жамияти шулар жумласидандир.

«Кизилтепа-МТП» ҳамда фермер хўжаликлари уюшмаларига қарашли етти та муқобил машина-трактор паркида мавжуд 67 та ҳайдов, 297 та чопиқ трактори, 228 та култиватор, 89 сеялка ва 32 та чизель сифатли таъмирланиб, мавсумга ҳозирлаб қўйилди.

ЖАҲОНДА

Жорий йилнинг 2 март куни Россия федерацияси президентлиги учун ўтказилган сайловларда 96 мингта сайлов участкалари фаолият кўрсатади. Россия фуқаролари жаҳоннинг 142 мамлакатда ташқил этилган сайлов участкалари орқали ўз овозларини беришлари учун шарт-шароитлар яратилади.

Маълумотларга қараганда, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ўтган йили 850 миллион АҚШ долларини ташқил этган. Жорий йилда бу кўрсаткични 1 миллиардга етказиш кўзда тутилмоқда. Корей Республикаси Ўзбекистон билан ҳамкорликда таълим, автомобилсозлик, тўқимачилик, ахборот технологиялари, нефть-газ, инфратузилма, қурилиш каби соҳаларда янги лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан манфаатдор. Президент Ислам Каримов билан учрашувда Ли Мён Бак бунинг яна бир бор таққидлади.

Ўзбекистон ва Жанубий Корей халқаро ташқилотлар доирасидаги ҳамкорликни ҳам изчил ривожлантиришда, БМТнинг амалдаги Бош қотиби Пан Ги Муннинг ушбу лавозимга номзоди Ўзбекистон томонидан қўллаб-қувватлангани Сеул расмий доиралари томонидан юксак қадрланади. Ўзбекистон Корей Республикасининг Шимолий Корей ва Жанубий Корейнинг ҳамкорлигини ривожлантириш орқали тинчликни мустаҳкамлаш ва Шимолий-шарқий Осиёни биргаликда ривожлантиришга қаратилган «Тинчлик ва фаровонлик» сиёсатини ҳам қўллаб-қувватлайди. Корей Республикаси эса Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташқилотига аъзо бўлишини, «Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг «Sky Team» тизимига қўшилишини ёқлайди.

Ташқилот ва Сеул халқаро терроризм, экстремизм ва нарқобизнесга қарши курашда ҳамкорликда олиб борилган иш қўтилган натижани бериши ҳисобидан ҳам ҳамфикр. Ўзбекистон — Корей саммитлари изчиллик касб этгани ҳам мамлакатларимиз, икки давлат раҳбарлари ўртасида ўзаро ишонч, ҳурмат ва самимиётга асосланган муносабатлар қарор топаганидан далолатдор.

Ислам Каримов ва Ли Мён Бак Ўзбекистон билан Корей ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболга доир масалалар, ўзарани қизиқтирган долзарб минтақавий ва халқаро муаммоларни муҳокама қилдилар. Мамлакатимиз раҳбари Сеул яқинидаги Инчон шаҳридаги «GMDAT» заводига ташриф буюрди. Бу ерда ўзлаштирилган технологиялар, ишлаб чиқариш жараёни билан танишди. «DAEWOO» компанияси Ўзбекистонда автомобилсозлик соҳасини ўзлаштиришда муҳим ўрин тутган. Айни пайтда мамлакатимиз «GMDAT» билан алоқаларни ривожлантиришда ва Ўзбекистонда «GM-Uzbekistan» қўшма корхонаси ташқил этилди.

Кечка сатрларда

• БУГУН Ҳамза туманидаги Рус миллий маданият марказида туман халқ таълими бўлими, «Тенгдош» маданият уйи ҳамкорликларида Ёшлар йилги баянлаб уюштирилган маънавий-маърифий тадбир ва концерт дастури «Ёшлар-қалаҳак сардорлари» деб номланди. • КЕЧА Темурийлар тарихи Давлат музейида «ЭКОСАН» халқаро ташқилоти, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Камо-

лот» ЕИХ, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон телерадиокорпорацияси ҳамкорликларида «Бир йилгига қирқ ҳунар оз» широри остида ташқиллаштирилган «Энг ибратли йилгит» кўрик-танловининг таққидоти бўлиб ўтди. • КЕЧА «ЭКОСАН» халқаро ташқилоти, Тошқент шаҳар широри остида ташқиллаштирилган бош бошқармаси, Республика «Маҳалла» жамғармаси ҳамкорликларида ташқил қилинган «Менин уйим, менин шаҳрим» танлови голиблари таққидланди. (Тошқент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси ташқилоти иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири Э.Ғаниев, Германия Федератив Республикаси иқтисодиёт ва технологиялар федерал вазири Михаэль Глос сўзга чиқди. Икки давлат раҳбарларининг учрашувида эришилган келишувлар мамлакатларимиз ўртасида барча соҳаларда, жумладан, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъқидланди.

Ўртасидаги алоқалар эса давлатлараро, ҳуқуқматларо ва идораларо даражадаги юздан ортиқ шартонома ва битимга асосланади. Сўнгги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. 2007 йилда икки мамлакат ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 328,9 миллион АҚШ доллари таққил қилди. Ўзбекистонда германиялик сармоядорлар иштирокида тузилган қарийб бир юз қирқта қўшма корхона, Германия фирма ва компани-

ни йўлга қўйишга келишиб олдилар. Шу куни савдо ва сармоявий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Германия ишчи гуруҳларининг мажлиси бўлиб ўтди. Таққидлаб ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларнинг истиқболлари, хусусан, ёқилиш-энергетика мажмуи, машинасозлик, фармацевтика, ахборот технологиялари, транспорт инфратузилмаси, саноат, саноатчи каби соҳалардаги ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Ўзбекистон ва Германиянинг иқтисодий соҳаоти, имкониятлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Икки мамлакат ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажмининг янада ошириш, қўшма корхоналар сонини кўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Истиқболда ҳамкорликда янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга келишиб олинди. Германия делегацияси аъзолари мамлакатимизнинг қатор вазирилк ва идораларида бўлиб, ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан музокаралар ўтказди.

ЎЗБЕКИСТОН ВА GERМАНИЯ: ИШБИЛАРМОНЛАР ФОРУМИ

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК МАРКАЗИДА ЎЗБЕКИСТОН ВА GERМАНИЯ ИШБИЛАРМОН ДОИРАЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ФОРУМИ БЎЛИБ ЎТДИ. яларининг олтимишга яқин ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Улар орасида «Сименс», «Даймлер-Крайслер», «Алкател», «Тиссен-Круп», «Люфтганза», «Байер», «Метро Групп», «Юнивег Азия» каби компаниялар бор. Улар энгил саноат, тиббиёт ва фармацевтика, савдо, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, юк ва йўловчи ташвиш ҳамда автомобил хизмати каби соҳаларда иш юритади. Таққидлаб икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни, жумладан, нефть-газ, машинасозлик, электротехника, озиқ-овқат, энгил саноат, саноатчи каби соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантиришга, Германия компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этишга оид масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Бунда Ўзбекистон билан Германия ишбилармонлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш муҳим ўрин тутгани алоҳида таъқидланди. Анжуманда Германиянинг олтимишга яқин ишчи компаниясидан юздан ортиқ вақил иштирок этди. Хусусан, «Lemken GmbH & Co. KG», «Claas KGaA» (қишлоқ хўжалиги техника-

Ноҳира МАНЗУРОВА, ЎЗА мухбири



«Ташаббус — 2008»

ФОЛИБЛАР ШАХАР БОСҚИЧИДА ҚАТНАШАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ СОВРИНИ УЧУН ЎТКАЗИЛАЁТГАН «ТАШАББУС — 2008» КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ ЯҚКАСАРОЎ ТУМАН БОСҚИЧИ «ТАБАССУМ» РЕСТОРАНИДА БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ТУМАНДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН 3000 ДАН ЗИЁД ТАДБИРКОР ВА ХУНАРМАНДЛАР ОРАСИДАН ТАНЛОВ ШАРТЛАРИГА ЖАВОБ БERAДИРГАН ЭНГ САРАЛАРИ ИШТИРОК ЭТИШДИ.

Кўрик-танлов очик деб эълон қилинган, ҳайъат аъзолари қатнашчилар, яъни 12 нафар тадбиркор ва 8 нафар хунарманд фаолиятлари билан яқиндан танишиш мақсадида уларнинг махсулотлари кўйилган кўргазмани томоша қилишди. Шунингдек, танлов иштирокчиларининг айни кунлардаги фаолиятлари, келгуси режаларидан воқиф бўлишди. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, ташкил этилган махсулотлар кўргазмаси тадбиркор ва хунармандларнинг бозор талабидан келиб чиқиб иш юритаётганини, замонавий техника ва технологиялардан оқилона фойдаланганини, Президентимиз алоҳида айтиб ўтганларидек, ўзимизда ишлаб чиқарилиши зарур ва лозим бўлган товарларни харидорларга тортик этаётганини,

ички бозорда ўрин топаётганини, шунинг баробарида махсулотлари экспортини йўлга қўйиш йўлида астойдил интилаётганини яна бир бор тасдиқлаб турибди. Бу, албатта, нафақат ҳайъат аъзолари, балки йиғилганларни ҳам мамнун этди.

— Йилига 150 миллион сўмлик махсулот ишлаб чиқариш имкониятига эгамиз, — дейди «Даромад Мунира фазай» масъулияти чекланган жамияти директори Мунира Бойтуллаева. — Асосан махсулус иш кийимлари ва формалар тикамиш. Меҳнат қилаётган 25 нафар хотин-қизларининг барчаси ёшлар ҳисобланади. Шу боис ҳам Президентимизнинг 2008 йилни Ёшлар йили деб эълон қилиши корхонамиз ахлига алоҳида ғурур бағишлади. Шу билан бирга зиммамизга кат-



«Ташаббус — 2008»

«РУССЛАВБАНК» АКЦИЈАДОРЛИК ТИЖРОТ БАНКИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ МАТБУЕТИ МАРКАЗИДА АНЖУМАН ЎТКАЗДИ.

БАНК БОЗОРИДА ҲАМКОРЛИК

Маълумки, мазкур банк республикаимиздаги ўн иккита банк билан ҳамкорлик қилаётган халқаро пул ўтказмалари ва тўловлари CONTACT нинг клиринг (ҳисоб-китоб) маркази ҳисобланади. CONTACT ўтказмалари орқали Россиядаги кредитларни ёпиш, интернет-портал хизмати, пластик карталар ҳисоби, мобил алоқалар учун тўловларни амалга ошириш мумкин. Хизмат кўрсатиш сифатини ошириш тармоқнинг асосий йўналиши ҳисобланади.

Мазкур банк республикадаги 174 та шахарда 614 та хизмат кўрсатиш пунктига эга. Ҳатта йили бир миллион уч юз минг нафар юртдошимиз унинг хизматидан фойдаланди. Бир йил давомида мазкур тузилма орқали Ўзбекистонга 400 миллион доллар ўтказилди. Республикаимиздан эса 11 миллион долларга тенг миллий валюта ўтказиб берилди. Масалан, 2006 йилда Ўзбекистондан ташқарида ишлаётган меҳнат муҳожириларнинг ўтказмалари республика йиллик бюджетининг ўттиз уч фоизини ташкил этган бўлса, уларнинг Россия иқтисодиётига қўшган улуши етти-ўн фоизни ташкил этади. Бу рақамлар меҳнат муҳожирилари фаолиятининг Ўзбекистон ҳамда Россия иқтисодиётида тутган ўрни нечоғли аҳамиятли эканлигини кўрсатиб турибди. Бугунги кунда «Русславбанк» Муस्ताқил давлатлар ҳамдўстлиги (МДҲ) фуқароларига «Ватандош», «Йўл кредити» сингари бир неча хизмат турларини тақдим этипти.

Ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш мақсадида «Русславбанк» ўзбекистонлик ҳамкорлари билан биргаликда банк мазсуига оид тўртта йирик анжуман ўтказди. Миллий телерадиокомпанияда пул ўтказмаларини амалга ошириш бўйича иштирокчилар ва томошабинлар билан мулоқот ўтказди.

Анжуманда банк вакиллари журналистларнинг саволларига атрафлича жавоб беришди.

«Туркстон-пресс»

Иқтисодиётнинг сисатдан устунлиги таъминлаш, иқтисодиётда эришаётган ютуқларимиз ўз навбатида ҳуқуқий давлатга асосланган фуқаролик жамияти қуриш учун астойдил бел боғлаган халқимизнинг сиёсий онига ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда, халқимизнинг сиёсий салохиятини оширмоқда.

Мамлакатимизда демократик таъминлашга асосланган ҳуқуқий давлат қуриш жараёни жадаллашмоқда. Шунинг учун ҳам юртимизнинг асосий боғлиғи — ҳар бир инсоннинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уни жамиятнинг фаол қурувчисига айлантириш, ҳақ-ҳуқуқларини, муаммоларини ҳал этиш долзарб вазифалардан биридир.

Республикаимиз муस्ताқилликка эришган даълатлик кундан бошлаб, унда яшовчи ҳар бир инсоннинг манфаатини ҳимоя қилиш — бош вазифалардан бири қилиб белгиланган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 13-моддасида: «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадри-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади», деб белгилаб қўйилган.

Бугунги кунга келиб, мамлакатимиз юқоридagi принципдан келиб чиққан ҳолда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган 170 дан ортиқ халқаро актлар: декларациялар, конвенциялар ҳамда пактларга аъзо бўлиб қўшилган.

Инсон ҳуқуқларининг ҳимояси ва эркинликларини таъминлаш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг Минтақавий вакиллари институти алоҳида ўз ўрнига эгадир. Унинг маҳаллий ҳокимият органлари билан ҳамкорлиги жойларда фуқароларнинг муносабатларини ҳар томонлама, ҳолисона кўриб чиқишда ўз самарасини бермоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг Тошкент шаҳар Минтақавий вакили мана беш йилдирки, самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.

Минтақавий вакилнинг жойлардаги фаолиятини ташкил этишда унга жамоатчилик асосида ишлаётган эксперт гуруҳи таркибига жамоат ташкилотлари вакиллари билан бир қаторда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари вакиллари қириши ва фуқаролар муносабатини кўриб чиқишда фаол иштироки, иккала орган ўртасида ҳамкорликчи амалга оширишга самарали хизмат қилмоқда.

Фуқаролар муносабатини ўз жойида атрафлича текшириб ҳолисона қарор қабул қилишда маҳаллий ҳокимият органлари билан ҳамкорлик тўғрисида йўлга қўйилса, фуқароларнинг иқтисодиёт вакиллари, яъни тақдирдор муносабат қилишнинг олди олинди ҳамда муносабат қилган фуқарода розилик, мамнунлик ҳисси кучади.

Утган 2007 йил Минтақавий вакиллик ҳаётида, унинг иш фаолиятида қандайдиги ижобий натижалар билан яқунланган бўлса, 2008 йил ҳам ана шундай самарали тадбирлар билан бошланди.

Жумладан, 2008 йил январь ойида Минтақавий вакилик томонидан мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласида самарали фаолият юритаётган Конрад Аденауэр номидаги халқаро Фонд ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) бошчилигида «Омбудсманнинг давлат органлари, нодавлат ташкилотлар билан инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ҳамда уларга риоя қилиш масаласида» узвур ҳамкорлигининг долзарб масалалари мазсуида Тошкент шаҳар минтақавий семинар-конференцияси ўтказилди.

Семинар-конференция ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Конрад Аденауэр номидаги халқаро Фонднинг Урта Осиё ва Қозғоғистон бўйича Минтақавий вакили, ад-

лия вазирининг ўринбосарлари, адвокатлар ҳамда судьялар ассоциациялари раҳбарлари, Ички ишлар вазирлиги, суд, прокуратура органлари раҳбарлари, Тошкент шаҳар ҳокимияти бош бошқармалари, тегишли бошқарма раҳбарлари ҳамда мазкур масалага тааллуқли бўлган 50 дан ортиқ соҳалар вакиллари қатнашдилар.

Семинар-конференцияда юқоридagi қайд этилган мавзуга бағишланган 11 та маъруза ва чиқишлар бўлди.

Жумладан, анжуманда Тошкент шаҳар ҳокимиятининг ўринбосари, Олий Мажлиси Сенати аъзоси Ф.Абдурахимов, шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари М.Миралминов, шаҳар қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси Н.Насимов, шаҳар Адлия бошқармаси бошлиғи Х.Файзиев ва бошқалар сўзга чиқиб, фуқароларнинг иқтисодий ҳуқуқларини давлат томонидан муҳофаза қилиш борасида ҳокимият органлари, соғлиқни сақлаш, қасаба уюшмалари ҳамда адлия органлари томонидан олиб борилаётган ишларга батафсил тўхталдилар.

ҳатлар берилди. Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)дан 139 та топшириқ олинди, 8 таси тақдирдор қилинган муносабатлар.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганлиги тўғрисида 198 та муносабат назорат олинди, шулардан 40 таси ижобий ҳал қилинди, 62 таси қисман қаноатлантирилди, 28 таси тасдиқни топмаганлиги, мавқуд норматив ҳужжатларга зид бўлганлиги учун қаноатлантирилмади. 52 та аризага мутахассис томонидан эксперт ҳулосаси берилди, 16 та муносабат эса қўрилмоқда.

Фуқаролардан тушган ариза ва шикоятларни ўрганиб, ҳал қилинишини сураб, ваколатли давлат ҳамда жамоат ташкилотларига юборилган муносабатлар сони 81 тани ташкил этади. 27 та муносабат вакилликнинг эксперт гуруҳи ҳамда ички гуруҳлари аъзолари томонидан кўриб чиқилди. 11 та муносабат бўйича 3-4 кишилик мутахассислардан иборат ички гуруҳи тўзилиб, кўтаришган масалалар жойига чиқиб, атрафлича ўрганилиб, тегишли чоралар белгиланди.

Бундай мисолларни яна қўлаб келтириш мумкин.

Минтақавий вакил томонидан ҳар йилги ҳисобот ва келгуси йил иш режалари барча жамоат ташкилотлари ва маҳаллий ҳокимликлар, депутатлар корпуси билан ҳамкорликда тайёрланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2007 йил 27 февралдаги топшириғига асосан Тошкент шаҳри туманларида уй-жой мулкдорлари ширкатлари раҳбарлари, маҳалла қўмиталари, бошқарма ва бўлимлари раҳбарлари, туман ҳокимлиги ва бошқалар иштирокида Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу масаладаги Қарорининг ижроси ўрганиб чиқилди. 200 йилдан ортиқ гуруҳ аъзолари иштирокида 300 дан ортиқ ХУЖМ ширкатларининг иш фаолиятлари билан яқиндан танишиб чиқилди.

Ўтказилган мониторинг натижалари туманларда мутасадди идоралар раҳбарлари, кенг жамоатчилик иштирокида кўриб чиқилди. 2007 йил 6 апрелда бўлиб ўтган Тошкент шаҳар Кенгашининг ҳамда Сенат қўмитасининг қўшма 9-сессиясида ҳам мазкур масала кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шунингдек, Минтақавий вакилик фуқаролар билан бевосита мулоқот ўтказишга ҳам алоҳида эътибор бермоқда.

Жумладан, Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур ва Чилонзор туманларида аҳоли билан ўтказилган очик ва ҳолли мулоқотларда 360 дан ортиқ киши қатнашди. Учрашувларда маҳаллалар фуқаролар йиғинлари раислари, туман фаоллари, ҳокимликларнинг мутасадди ходимлари, суд, прокуратура, ички ишлар ходимлари, «Камолот» ЕНҲ, хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа жамоат ташкилотлари раҳбарлари иштирок этидилар.

Учрашувларда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг ўринбосари Х.Исоқов, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бошлиғи Х.Файзиев, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бўлими бошлиғи ўринбосари С.Гаиров, Суд қарорларини оқроқ этиш Республикаси департаментининг Тошкент шаҳар бўлими бошлиғи вазирлигининг баҳарувчиси И.Сотвондиевлар қатнашдилар.

Минтақавий вакилликнинг ўзига юқлатилган вазифаларни тўлақонли ҳал этишда Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси, Ички ишлар вазирлиги бўлими бошлиғи ўринбосари С.Гаиров, Суд қарорларини оқроқ этиш Республикаси департаментининг Тошкент шаҳар бўлими бошлиғи вазирлигининг баҳарувчиси И.Сотвондиевлар қатнашдилар.

Минтақавий вакилликнинг ўзига юқлатилган вазифаларни тўлақонли ҳал этишда Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси, Ички ишлар вазирлиги бўлими бошлиғи ўринбосари С.Гаиров, Суд қарорларини оқроқ этиш Республикаси департаментининг Тошкент шаҳар бўлими бошлиғи вазирлигининг баҳарувчиси И.Сотвондиевлар қатнашдилар.

ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК ЙЎЛИДА

МУСТАҚИЛ РЕСПУБЛИКАМИЗ ИҚТИСОДИЁТИ УЧУН ЎТГАН АСР ҚАНДАЙ МУВАФФАҚИЯТЛАР БИЛАН ЯҚУНLANГАН БЎЛСА ЯНГИ АСР ҲАМ АНА ШУНДАЙ ЎЗИГА ХОС ЮТУҚЛАР БИЛАН БОШLANДИ. РЕСПУБЛИКАМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ БУНДАЙ СУРЪАТЛАРДА ТЕЗ РИВОЖLANИШИ ЎЗ НАВБАТИДА ХАЛҚИМИЗНИНГ, ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИНИНГ ТУРМУШ ТАРЗИГА ЎЗИНИНГ ЯҚҚОЛ ИЖОБИЙ ТАЪСИРИНИ КЎРСАТМОҚДА, АЛБАТТА. ХАЛҚ ФАЛОВОН ЯШАЙ БОШЛАДИ, ЮРТНИНГ ТИНЧЛИГИ, ОСОЙИШТАЛИГИ САҚLANДИ. БУНДАЙ ВАЗИЯТДА АЛБАТТА ҲАР ҚАНДАЙ МАМЛАКАТНИНГ, ЖУМЛАДАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОННИНГНИНГ ҲАМ ҲАР ЖАБҲАДА ТАРАҚҚИЁТГА ЭРИШИШИ ШАК-ШУБҲАСИЗДИР.

Тошкент шаҳар ҳокимиятининг ўринбосари, Олий Мажлис сенати аъзоси Ф.Абдурахимов, шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари М.Миралминов, шаҳар қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси Н.Насимов, шаҳар Адлия бошқармаси бошлиғи Х.Файзиев ва бошқалар сўзга чиқиб, фуқароларнинг иқтисодий ҳуқуқларини давлат томонидан муҳофаза қилиш борасида ҳокимият органлари, соғлиқни сақлаш, қасаба уюшмалари ҳамда адлия органлари томонидан олиб борилаётган ишларга батафсил тўхталдилар.

Минтақавий вакилнинг фуқаролар ўртасида нусузи, обрўси, ишончининг ортаётганининг далили сифатида муносабатларда фуқаролар ўзларининг муаммолари бўйича олиб борилаётган ҳақ жараёнида минтақавий вакилик ходимларидан кузатувчи сифатида қатнашишларини сураб муносабат қилаётганликларини таъкидлаш мумкин.

Жумладан, Минтақавий вакиликка Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Ҳ.Ташкибоев кўчаси, 4-даха, 1-уй, 85-хонадонда яшовчи Мавқуд Отажонованиннг ўғли Жасур Отажоновга нисбатан Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туман ИИБ томонидан Ҳ.П ЖКнинг 166-моддаси 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилаётганлиги, иш судга оширилганлигини айтиб, суд томонидан ўзига жазо тайинлашда енгиллик бериш ҳақида қилган муносабатига асосан судда Минтақавий вакилик эксперти, ҳолисона судда Минтақавий вакилик эксперти, ҳолисона адвокат Ш.Маманбаев кузатувчи сифатида қатнашди. Суд натижасига кўра жиноят ишида Ж.Отажоновга нисбатан енгиллик берилиб, 8 (саккиз) йил ўрнига 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш ҳамда унинг ижросини 2 йил муддатга кечиктиришга ҳукм қилинди.

Шунингдек, Минтақавий вакиликка Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Спутник 15-даха, 5-уй, 5-хонадонда яшовчи фуқаро Зоир Умаров муносабат қилиб, аҳоли нисбатан Тошкент шаҳар, Сергели тумани жиноят ишлари бўйича судида уни Ҳ.П ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми «г» банди, 189-моддаси 2-қисми «б» банди, 205-моддаси 2-қисми «в» банди билан айбланиш ҳақидаги жиноят иши қўзғатилганини айтиб, суд томонидан унга жазо тайинлашда енгиллик бериш ҳақида қилган муносабатига асосан судда Минтақавий вакиликнинг кузатувчи қатнашди. Суд натижасига кўра унга енгиллик берилиб, 3 йил ахлоқ тузатиш жазоси белгиланган ҳамда 3.Умаров амнистия ақтига асосан жазонини ўташдан озод қилинди.

Шоноят ШОАБДУРАҲИМОВ, минтақавий вакил

Қарор ва ижро

БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИГА МАСЪУЛМИЗ

МУСТАҚИЛ РЕСПУБЛИКАМИЗДА ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ҚУРИШ ЙЎЛИДА ҲАР БИР СОҲАДА ТУБ ИСЛОҲОТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. ШУНИНГДЕК, ЖАМИЯТ МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ, ОИЛАЛАРНИ ЯНГИ ИЖТИМОИЙ МАДАНИЙ ҲАЁТГА МУВОФИҚЛАШТИРИШ, ЁШЛАРНИ ОИЛАВИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШ, УЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ, ҲУҚУҚИЙ, ШУ БИЛАН БИРГА ТИББИЙ ОНГИНИ ОШИРИШГА КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛГАН.

Маълумки, Шарқда оила азал-азалдан таълим-тарбия, меҳр-муҳаббат ўчоғи, шу билан бирга жамият таянчи, юрт тинчлиги ва ободлигининг асосий мезони ҳисобланади. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз Конституциясининг XIV боби «Оила» деб номланиб, унда оила қонунчилигининг асосий таъминлаш белгилаб берилган. Жумладан, унинг 63-моддасида «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади» деган қоида муостаҳкамланган.

Шундан келиб чиққан ҳолда оилада, ота-она бағрида камол топадиган фарзандларнинг жисмонан соғлом, ҳаётда ўз ўрнига эга бўлган, ахлоқан етуқ, юқори билимли, ҳар томонлама камол толган шахс бўлиб вояга етишлари йўлидаги саъй-ҳаракатлар эътиборга моликдир. Бу борада ҳукуматимизнинг қатор Қарорлари қабул қилинган.

Айниқса соғлом оилани шакллантириш, ирсият билан боғлиқ ва туғма касалликларга қалинган болалар туғилишининг олдини олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори оила қуриш учун ариза берган келин-кўвларнинг соғлигини тўйдан олдин аниқлаш, бироқ касаллик сезилса уни вақтида даволашга имкон яратди. Ушбу қарор ижроси бўйича Тошкент шаҳар ҳокимлиги хотин-қизлар қўмитаси, шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси билан ҳамкорликда никоҳланувчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланиб ФХДЭ бўлимлари қошида жамоатчилик асосида «Ёш оила қурувчилар мактаби» фаолияти йўлга қўйилди. Бу мактабнинг асосий мақсади — оила қурувчи ёшларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва тиббий билимларини оширишдан иборатдир.

Бугун Оила маросимлари маркази қошида фаолият олиб бораётган ушбу мактабда юридик, тиббиёт, алоқа, маданият, хотин-қизлар, расомчилик, транспорт коллежларининг 1-2-босқич талабалари ҳамда бўлажак келин-кўвлар турли соҳа мутахассислари иштирокида ўқув машғулотларида қатнашиб ўзларининг ҳуқуқий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва тиббий билимларини оширмоқдалар. Тиббий кўриқнинг моҳияти, соғлом турмуш тарзининг афзаллиги, ҳар томонлама етуқ ва баркамол фарзанд тарбияси асослари билан танишмоқдалар.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, кейинги вақтларда ёшлар ўртасида баъзан қонуний никоҳдан ўтмасдан туриб, шаръий никоҳ орқали турмуш қуриш ҳоллари кузатишмоқда. Ачинарлики, эндигина турмуш қурган ёшларда турли касалликлар кечикиб юзага чиқмоқда, чунки қонуний никоҳдан ўтаётган ёшлар тиббий кўриқ асосида кейинги бўладиган турли нохушликларнинг олдини оладилар. Шаръий никоҳдан ўтаётган айрим оила аъзоларида ҳавфли юқумли касалликлар мавқудлиги кузатишмоқдаки, бунда қанча оилалар нотинчлиги, ногирон туғиладиган фарзандлар тақдирини қандайдиги кечилиши йўласак, ўйламай босилган қадамнинг қанчалик қимматга тушишини англаб етамиз. Шунинг учун ҳам албатта ота-она, маҳалла-қўй, қариндош-уруғлар икки ёшнинг кейинги ҳаётининг тўқис, тинч ва бахтли бўлишини ўйлаб иш кўрсалар яхши бўларди.

Оила маросимлари маркази ходимлари имкон борича бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш учун шаҳар ва туман хотин-қизлар қўмиталари, соғлиқни сақлаш бўлимлари, «Маҳалла» жамгармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, туман ички ишлар, прокуратура ва бир қатор жамоат ташкилотлари билан биргаликда маҳаллаларда, ўқув юртлари, меҳнат жамоаларида никоҳга қандайдиги кўриқдан ўтишининг долзарблиги хусусида ёшлар ўртасида кенг қўламда тушунириш ишларини олиб бормоқдалар.

Президентимиз томонидан жорий йил — «Ёшлар йили» деб эълон қилинди. Жисмонан соғлом, маънан баркамол ёшларни вояга етказиш йўлидаги яна бир зғу қадамнинг ижроси йўлида албатта ҳар бир соҳа ходими масъулият ва янги режалар билан иш олиб бориши керак. Биз ҳам ушбу масъулиятни тўла ҳис қилган ҳолда турмуш қуриш оstonасида турган ҳар бир ёшнинг ўзи тушуниб, хайрли мақсаднинг чуқур моҳиятини англаган ҳолда тиббий кўриқдан ўтишлари ва келгусида ахил, бахтли ҳаёт кечирिशлари йўлида янги-янги ташаббус, ғоя, янгилик, шунингдек, ҳуқуқий-тартибот ишларини янада қучайтириш билан иш бошладик. Мақсадимиз оналик, болалик ва оилалар ҳимояси устувор вазифа деб белгиланган юрдада турмуш қураётган ҳар бир ёш озад ва обод Ватанининг муносиб қурувчилари бўлсин, эртаимизга муостаҳкам пойдевор қўйсин.

Раъно ҚАРАБАЕВА,
Оила маросимлари марказининг 2-тоифали иш юртувчиси



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БУСТОНИ САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ ХИКМАТЛАР

Араб ноласига чўлда, қария, Рақс тушиб кетар ҳаттоки туя.

Туяга куй шунча кор этса, демак, Завқи йўқ киши бир эшакдур, эшак.

Кимки ўз ёвини дўст тутса агар, Уни оқил дема, у нодон овсар.

Подшоҳ кизини сўраган гадо, Кўп таёқ ейди-ю, кўрар кўп савдо.

Ким ошиққа деса, ишқидан сақлан, Ошиқнинг дилига санчилур тикан.

Бирор кимни чаён чақса ногаҳон, Қай оқил унга дер: «Тортмагил фиғон!»

Кимки насиҳатинг тинглашдан йироқ, Фойдасиздир унга насиҳат қилмоқ.

Чиқиб кетмиш кимнинг кўлидан жилов, Кор қилмас секинроқ юр, деган ундов.

Не хуш сўзни айтмиш Синдбод — сўзамол: «Эҳтирос оловдир, насиҳат — шамол!»

Шамолдан авж олиб, гуриллар олов, Калтак еган йўлбарс ёвроқ бўлур, ёв.

ХИКОЯТ

Ёдимга — уйқусиз ётардим туни, Қулгимга инди парвона уни.

Шамга дер: «Мен — ошиқ, куймак раводир, Сен ёниб йиғлайсан, бу не балодир?»

«Эй менинг харидор дўсти мискиним, Асалдан ажрадим, ёри шириним.

Мендан узоклашгач Ширин висоли, Фарҳоддек бошимда оташ хаёли».

Шундай деб йиғларди жигар-бағри об, Қахрабо юзидан оқарди селоб.

Деяр: «Эй даъвогар, ишқ эрмас коринг, На сабру тоқат бор ва на қароринг.

Кетарсен шуъламдан бир оз айланиб, Турарман кимир этмай мен ўтда ёниб.

Ишқ ўтида сенинг қанотинг куяр, Менинг бош-оёғим, ҳаётим куяр.

Базми ёритган нурумга боқма, Дилсўхтама, кўз ёшим кўргил, тутокма».

Камтаринлик одат ақлли эрга, Мевали шох боши эгилур ерга.

Улуғлик чечан сўз, даъвода эмас, Баландлик хаёли ҳавода эмас.

Тавозеъ кўтарар бошингни баланд, Такаббур тупроққа тикар бериб панд.

Косаси оқармас — кимки димоғдор, Баландлик истару охир бўлур хор.

Иzzат-мартабалар истасанг агар, Кишига ташлама кибрли назар.

Хушёр киши хаёл қилмайди, ахир, Гурур билан киши топар, деб қадр.

Билгил, тўрга лойиқ эмас ҳар ким ҳам, Қадрини фазлидан топар ҳар одам.

Оддий қамиш қанча ўсса — бўш ичи, Ҳеч қачон бўлолмас шакар қамиши.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

2008 — Ёшлар йили

ИҚТИДОРЛАРИНИ НАМОЙИШ ЭТИШДИ

КУЙ-ҚУШИҚ ВА РАҚС КИШИНИ МАЪНАН ЮКСАЛТИРАДИГАН, УНИ ЯНГИДАН ЯНГИ МЕХНАТ ЗАФАРЛАРИГА ЧОРЛАДИГАН ОМИЛ СИФАТИДА УЛУГЛАНИБ КЕЛИНАДИ.

Истиклол йилларида ёш авлоднинг мусиқий онгини ошириш, миллий ва хорижий маданиятнинг сир-асорларини пухта эгаллашлари учун мустахкам замин яратиш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг яқиндагина қабул қилинган «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий техника базасини мустахкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган давлат дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу борадаги фаолиятга ўзига хос ҳуқуқий базани яратиб берди.

Пойтахтимиздаги 272-умумтаълим мактабидан ўтказилган «Менинг биринчи тангоим» деб номланган кўрик-танловни эса бу борада эришилаётган ютуқлар самараси дейиш мумкин. Мазкур тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ўқувчилар ўртасида миллий ва хорижий рақс санъатини тарғиб этиш, ёш авлод онгида қадриятларимизга эҳтиром руҳини тарбиялашдан иборатдир.

Кўрик-танловни Юнусобод туман халқ таълими бўлими бош мутахассиси Муаззам Фуломов кириш сўзи билан очар экан, жумладан, шундай деди: — Миллий ва хорижий рақс санъатида иштиёқ ўқувчиларимизнинг нарисликка, гўзалликка бўлган интилишларини қўллаб-қувватлайдиган, уларни руҳан юксалтиришига халқ-харақатларидан шуни кўриш мумкин бўлдики, бу маскан жамоаси фақуллода вазиятлар ва уларда харақат қилиш борасида етарли тушунча ва малакага эга.

Шунингдек, 28-сонли умумтаълим мактабидан ўтказилган ўқув машқи хусусида ҳам шундай фикрларни айтиш мумкин. «Зилзила содир бўлганда мактаб ўқувчиларини хавфсиз жойга эвакуация қилиш бўйича мактаб раҳбарияти ҳамда фуқаро муҳофазаси хизматларининг харақатлари» мавзусидаги мазкур махсус-тактик ўқув машқида ўқитувчи ва ўқувчилар, мутасадди ходимларнинг барчаси ўз ишларига масъулият билан ёндошдилар.

Таълим муассасаларида ўтказилаётган бундай ўқув машқларини ҳаётни асраш дарси, дейиш мумкин. Чунки фақуллода вазиятларда тўғри харақат қилишни ўрганиш ҳаммамиз учун ўз ҳаётимизни асраш имконини беради. Бошқармаимиз томонидан олиб борилаётган барча ишларнинг замирида ана шундай эзгу мақсад ётибди.

Соҳиб ҚУДРАТОВ, Тошкент шаҳар ФВБ ахборот-таҳлил маркази бошлиғи, катта лейтенант. Соҳиба ХАЙИТБОВЕВА, журналист.

СУРАТЛАРДА: Тошкент шаҳар фақуллода вазиятлар бошқармаси томонидан ўтказилган тадбирлардан лавҳалар.



Фақуллода вазиятлар бошқармаси фаолиятдан



МАШҚЛАР ЁШЛАР ИШТИРОКИДА ЎТДИ

КУТИЛМАГАН ТАСОДИФЛАР ИНСОНЛАРНИ ХУШЁРЛИККА УНДАЙДИ. ҲАЁТИМИЗ ДАВОМИДА БАЪЗАН ХУШ, БАЪЗИДА НОХУШ ВОҚЕАЛАРНИ ГУВОҲИ БЎЛИШИМИЗГА Тўғри келади. ШУ БОИС ИНСОН ҲАР ҚАНДАЙ ҲОЛАТГА ҲАМИША ТАЙЁР ТУРМОҒИ КЕРАК. ФАҚАТ ўзимизни эмас, ФАРЗАНДЛАРИМИЗНИ ҲАМ ШУНГА ўргатиб бориш ҳам фойдадан ҳоли эмас. АХИР КУТИЛМАГАНДА СОДИР БЎЛАДИГАН ҲОДИСА ИНСОННИ КАТТА ЁКИ КИЧИК, ДЕЯ АЖРАТИБ ўТИРМАЙДИ-КУ!

Дейлик, тўсатдан сув тошқини ёки зилзила рўй бериб қолади. Биз-ку билганимизча жонимизни асрашга харақат қиламиз, аммо болалар-чи?! Табиийки, ҳар қандай фақуллода вазиятларда болалар саросимага тушиб қолади. Ваҳима ичидан нима қилишни билмай қолган кичкинтойлар эса вазиятни янада мураккаблаштириши тайин. Шу маънода уларни кичик ёшдагиданоқ фақуллода вазиятларга тайёрлаб бориш лозим. Буни тўғри англаган таълим-тарбия муассасаларининг мутасадди ходимлари ўз вазифаларини сидқидилдан бажаришга харақат қилмоқда.

Аҳолининг фақуллода вазиятларда харақат қилишга тайёрлигини назоратдан ўтказиш борасида Тошкент шаҳар ФВБ ходимлари томонидан салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири яқинда Собир Раҳимов туманида бўлиб ўтди. Туман ҳудудида жойлашган фуқаро муҳофазаси хизматлари, ташкилот, идора ва муассасалар ҳамда иқтисод объек-

тларида фуқаро муҳофазаси тизимларининг тайёрлигини янада такомиллаштиришга қаратилган мажмуавий текширув натижалари аҳолининг фуқаро муҳофазаси борасидаги билими тобора шаклланиб бораётганлигини кўрсатди.

Хусусан, 441-сонли мактабгача таълим муассасаси ва 28-сонли умумтаълим мактаби ҳудудидан ўтказилган махсус-тактик ўқув машқлари эса фуқаро муҳофазаси тизимлари ишларининг амалдаги намоийши бўлиб десак, муболага бўлмас. Аввало ҳар икки тарбия масканида ҳам ўқув машқи юқори савияда ташкиллаштирилганлигини таъкидлаш жоиз.

Тумандаги 441-сонли мактабгача таълим муассасасида бўлиб ўтган махсус-тактик ўқув машқи «Сув тошиши оқибатида богчадаги тарбияланувчиларни хавфсиз жойга эвакуация қилиш бўйича богча раҳбарияти ҳамда фуқаро муҳофазаси хизматларининг харақатлари» мавзусида бўлиб ўтди. Мазкур машқда болаларнинг иштироки ва богча раҳ-

Турфа олам

ЙЎЛБАРСЛАР ҲИМОЯГА ОЛИНДИ

КАМБОДЖАДА ЙЎЛБАРСЛАР ВА АЙИҚЛАРНИ ЕЙИШ ҲУКУМАТНИНГ МАХСУС ФАРМОНИ БИЛАН МАН ЭТИЛДИ.

Хайрон бўлаётгандирсиз, ҳа, бу бизларга галати туюлиши мумкин. Лекин йўлбарс ва айиқ гўшти Камбоджа халқи учун ҳамиша истеъмолда бўлиб келган. Шундай экан, нима сабабдан ҳукумат томонидан бундай фармон қабул қилинди, деган савол тугилиши табиий. Сабаби, Камбоджа аҳолиси юқорида айтиб ўтилгандан ташқари яна кўплаб қўшлар ва хайвонларни ҳам истеъмол қилдилар. Албатта, Камбоджа табиати муҳофазда қилиш жамияти бунга бефарқ қараб туролмади. Чунки, Камбоджада 1300 турдан зиёд хайвонлар бўлиб, аҳолининг гўштга ўчлиги сабабли ҳам улар қирилиб кетмоқда. Табиати муҳофазда қилиш жамиятининг ташаббуси билан тобора камайиб бораётган хайвонларни асраб қолиш давлат сиёсатининг ажралмас қисмига айланди.

УЗОҚ ЮГУРИШ

ҲА, БАЪЗИЛАР УЗОҚҚА ЮГУРИШ БЎЙИЧА ҲАМ ЎЗЛАРИНИ КЎРСАТИБ ҚЎЙИШНИ ИСТАЙДИЛАР.

Англиялик Робин Кес ва Генри Уэйлар мана тўрт йилдан ошдики, Америка Қўшма Штатлари, Европа ва Осиё давлатлари бўйлаб югуриб юришибди. Бугунги кунга қадар узоққа югуриш бўйича ҳаммани хайратга солишни ният қилиб олган шоввозлар 30, 750 километр масофани босиб ўтдилар. Ҳар қуни улар 32 километр масофани югуриб босиб ўтадилар. Хозирча юқоридаги кўрсаткич охиригиса эмас, улар бу кўрсаткични янада хайратланарли даражага етказишни ният қилганлар.

Салоҳиддин СИРОҲИДДИНОВ тайёрлаган

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Барчамиз хонадонларимизга етказиб берилаётган газ, электр энергияси, совуқ ва иссиқ сувдан фойдаланамиз. Унутманг, кўрсатилган коммунал хизматлар бўйича вақтида ҳисоб-китоб қилиниши эртанги кундаги сифатли хизматлар гаровидир.

Коммунал хизматлар ва фойдаланиш харажатлари учун тўловларни ўз вақтида тўлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир ва ушбу тўловлар пойтахтнинг уй-жой — коммунал хўжалигини янада ривожлантириш йўлида сарфланади. Аҳоли томонидан истеъмол қилинган электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ ҳамда бошқа коммунал хизматлар учун тўловлар аҳолининг ўз танловига кўра, фақат чекловларсиз тижорат банки муассасаларида, тўловларни қабул қилиш кассаларида ва почта бўлиналарида амалга оширилади.

Фақат умумий савий-харақатларни бирлаштирган ҳолда, барчамиз ҳамкорликда коммунал хизматлар фаолиятининг самарадорлигига эришишимиз мумкин.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар қуни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар диққатига!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги ПФ-3665-сонли «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони талаблари асосида комиссия қошида савдо-саноат палатаси ва тадбиркорлардан иборат Жамоатчилик Кенгаши ташкил этилган.

Сизнинг қорхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз комиссиянинг ишчи органига қуйдаги телефонлар орқали мурожаат қилишингизни сўраймиз. Ҳудудий комиссиянинг ишчи органи: 144-51-63, 140-32-18.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ. Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ. Буюртма Г-106

Телефонлар: хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4061 нусхада босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта будимларида ёки «Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй. 1 3 4 5 6

Топширилган вақти: 13:55